

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

207 Давлат акциялар пакети (улушлари)ни ишончли бош-
қарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қоидала-
рига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1410-4*

(2012 йил 14 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ–335-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолияти-ни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 17-сон, 140-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2006 йил, 42-сон, 417-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2004 йил 3 сентябрдаги 01/18-48-сон (рўйхат рақами 1410, 2004 йил 16 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 416-модда) қарори билан тасдиқланган Давлат акциялар пакети (улушлари)ни ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қоидаларига иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Раис в. б.

А. АБДУХАКИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 5 апрель,
01/12-18/08-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.